1.	**ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ**	
	Тўлиқ:	“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти
	Қисқартирилган:	“ЎзРВБ” АЖ
	Биржа тикерининг номи:*	Йўқ
2.	**АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ**	
	Жойлашган ери:	Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уй.
	Почта манзили:	100084, Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уй.
	Электрон почта манзили:*	info@uzrvb.uz
	Расмий веб-сайти:*	www.uzrvb.uz
3.	**МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ**	
	Муҳим фактнинг рақами:	06
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар
	Умумий йиғилиш тури:	**Йиллик** Навбатдан ташқари
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:	2022 йил 30 июнь
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	2022 йил 6 июль
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:	Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй, “ЎзРВБ” АЖ биноси.
	Умумий йиғилиш кворуми:	100 %

	Т/р	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
			%	сони	%	сони	%	Сони
	1.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	2.	ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	3.	“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботини эшитиш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	4.	“ЎзРВБ” АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегарасини белгилаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	5.	ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	6.	ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг (2021 йил учун) хулосасини эшитиш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	7.	ЎзРВБнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	8.	ЎзРВБнинг 2021 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	9.	ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	10.	ЎзРВБ Тафтиш комиссиясини тугатиш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	11.	2014 йил 11 июлда Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида тасдиқланган (68 - сонли баён) “ЎзРВБ” АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низоми ўз кучини йўқотган деб топиш.	100	1 069 600	-	-	-	-

	12.	ЎзРВБнинг 2022 йил учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни аудиторлик фаолияти стандартлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек СМК, СЙКнинг ҳисобланган миқдорларини текшириш учун “PKF MAK ALYANS” МЧЖ Аудиторлик ташкилотини белгилаш ва у билан тегишли шартнома тузиш ҳамда аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини 69 000 000 сўм миқдорида белгилаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	13.	“ЎзРВБ” АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	14.	““ЎзРВБ” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, ““ЎзРВБ” АЖ Ижроия органи тўғрисида”ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.	100	1 069 600	-	-	-	-
	Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:							
	1.	ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин: 1. ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини видеоконференцалоқа режимида “ZOOM” платформасида ўтказилади. 2. Акциядор томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома олгандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиш санасидан камида 2 иш куни олдин акциядорнинг ёки ваколатли вакилининг электрон почта манзили кўрсатилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишида видеоконференцалоқа режими орқали акциядорнинг ёки ваколатли вакилининг иштироки тўғрисида хабарнома (хат)ни ЎзРВБнинг электрон почта манзили (info@uzrvb.uz)га юборилиши шарт. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ваколатли вакил иштирок этган тақдирда ваколатли вакилнинг ишончномаси сканер қилинган нусхаси хабарнома билан биргаликда юборилади. Ишончномада ваколатли вакилнинг исми (Ф.И.Ш.), паспорт маълумотлари ва электрон почта манзили бўлиши керак. 3. ЎзРВБ саноқ комиссияси акциядор ёки унинг ваколатли вакилининг электрон почта манзилига акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиши учун платформага уланиш коди ва паролини, шунингдек, тегишли ҳаволани юборади. 4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашган акциядор ёки унинг вакили бюллетеннинг аслини, шунингдек, агарда вакил иштирок этган бўлса, ишончноманинг аслини почта (курьер) орқали ЎзРВБ манзилига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгандан кейинги иш кунидан кечикмай юбориши керак.						

		5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш, масалаларни кўриб чиқиш тартиби қуйидагича белгиланади: - маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вақт – 10 дақиқагача; - қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача; - савол ва жавоблар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача.
	2.	ЎзРВБ саноқ комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин: Худойбердиев Ж.Б. - ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи; Умурзаков О.Э. - ЎзРВБ юридик хизмати бош юрисконсульти; Джураев О.Ҳ. - ЎзРВБ корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис.
	3.	“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) Кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботи тасдиқлансин.
	4.	4.1. “ЎзРВБ” АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегараси ЎзРВБнинг ўтган йил учун олинган соф фойдасининг 1 фоизи миқдорида белгилансин. 4.2. Кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқи фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда берилсин.
	5.	ЎзРВБда 2021 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулоса маълумот ва ишда фойдаланиш учун учун қабул қилинсин.
	6.	ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг (2021 йил учун) хулосаси тасдиқлансин.
	7.	ЎзРВБнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.
	8.	“ЎзРВБнинг 2021 йил якунларига кўра соф фойдасидан 7 981 505 944,93 сўм миқдордаги пул маблағлари акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимлансин (иловага мувофиқ). ЎзРВБнинг 2021 йил якунига кўра давлат улушига (Марказий банкка) тегишли қисми бўйича ҳисобланган дивиденд суммаси 4 001 199 969,78 сўм давлат бюджетига тўлаб берилсин. Дивидендларни тўлаш шакли – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан. Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана – 2022 йил 30 июнь Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана – 2022 йил 25 август.
	9.	ЎзРВБ Кузатув кенгаши аъзолари “Кумулятив овоз бериш бюллетени” бўйича овоз бериш натижаларига кўра сайлансин. 1. Абубакиров Бобир Юлдашович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ўринбосари; 2. Адилов Алимардон Абдураззакович - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар операциялар департаменти директори; 3. Якубов Шухрат Исраилович - “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари;

		4. Кахоров Эркин Азизжонович - АТБ “Агробанк” Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.б.; 5. Миртурсунов Даврон Шавкатович - “Ипак Йўли” акциядорлик инновация тижорат банки Бошқаруви Раиси ўринбосари; 6. Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович - “Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раиси; 7. Рузиев Фаррух Аралович - ЎзР АТ Халқ банки бошқарув раиси ўринбосари.
	10.	ЎзРВБ Тафтиш комиссияси тугатилсин.
	11.	2014 йил 11 июлда Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида тасдиқланган (68 - сонли баён) “ЎзРВБ” АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низоми ўз кучини йўқотган деб топилсин.
	12.	ЎзРВБнинг 2022 йил учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни аудиторлик фаолияти стандартлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек СМК, СЙКнинг ҳисобланган миқдорларини текшириш учун “PKF MAK ALYANS” МЧЖ Аудиторлик ташкилоти белгилансин ва у билан тегишли шартнома тузилсин ҳамда аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегараси 69 000 000 сўм миқдорида белгилансин.
	13.	“ЎзРВБ” АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.
	14.	““ЎзРВБ” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, ““ЎзРВБ” АЖ Ижроия органи тўғрисида”ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар 2-3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ҳамда “ЎзРВБ” АЖ устави давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар***

Т/р	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисоб-ланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенса-циялар)	Ҳисоб-ланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисоблан-ган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати
	-	-	-	-	-	-

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:

Кандидатлар тўғрисида маълумот						Овозлар сони
Т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозими	Тегишли Акциялар		
				тури	сони	
1.	Абубакиров Бобир Юлдашович	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	Раиснинг ўринбосари	-	-	1 529 200

	2.	Адилов Алимардон Абдураззакович	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	Монетар операциялар департаменти директори	-	-	1 375 800
	3.	Якубов Шухрат Исраилович	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки	Бошқарув раисининг ўринбосари	-	-	1 108 800
	4.	Кахоров Эркин Азизжонович	АТБ “Агробанк”	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.б.	-	-	942 200
	5.	Миртурсунов Даврон Шавкатович	“Ипак Йўли” акциядорлик инновация тижорат банки	Бошқаруви Раиси ўринбосари	-	-	875 800
	6.	Джунайдуллаев Тохир Фахриддинович	“Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки	Бошқарув Раиси	-	-	875 800
	7.	Рузиев Фаррух Аралович	ЎзР АТ Халқ банки	Бошқарув раисининг ўринбосари	-	-	779 600
	Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни **бириктирилади.**						

Ижроия органи
Бош директор *имзо* _____ Усманов Рашид Рустамович

Бош бухгалтер *имзо* _____ Кучкаров Шухрат Тулкинович

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган ваколатли шахс *имзо* _____ Худойбердиев Жамшид Бозорович